



ITALY



ITALY

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИНГ СИЁСИЙ- ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Мехмонали Суванкулов**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21256163>

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Ижтимоий ҳамкорликка оид назарий қарашлар қадимги давр, Ўрта Осиё, янги давр рус ва замонавий ўзбек олимлари таълимотлари асосида тизимлаштирилган. Шунингдек, ҳамкорликнинг мазмуни ва унинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти илмий жиҳатдан ёритилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий ҳамкорлик, ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар, жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий муносабатлар, давлат бошқаруви.

**Abstract.** The article analyzes the political and legal foundations of cooperation between internal affairs bodies and citizens' self-governance institutions. Theoretical views on social cooperation are systematized based on the teachings of thinkers of the ancient period, Central Asia, Russian scholars of the modern period, and contemporary Uzbek researchers. The content of cooperation and its significance in ensuring public security are also scientifically examined.

**Keywords:** social cooperation, internal affairs bodies, citizens' self-governance bodies, political and legal doctrines, public security, crime prevention, civil society, legal relations, public administration.

**Аннотация.** В статье анализируются политико-правовые основы взаимодействия органов внутренних дел и органов самоуправления граждан. Теоретические взгляды на социальное сотрудничество систематизированы на основе учений мыслителей древнего периода, Центральной Азии, российских учёных нового времени и современных узбекских исследователей. Также научно раскрываются содержание сотрудничества и его значение в обеспечении общественной безопасности.

**Ключевые слова:** социальное сотрудничество, органы внутренних дел, органы самоуправления граждан, политико-правовые учения,



ITALY



ITALY

общественная безопасность, профилактика правонарушений, гражданское общество, правовые отношения, государственное управление.

Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорликнинг назарий жиҳатларини ўрганиш учун, аввало ижтимоий ҳамкорлик тушунчасининг этимологиясини ўрганиш лозим, зеро сўнгги вақтларда ижтимоий-сиёсий, илмий-иждодий мулоқотда “ҳамкорлик”, “бирдамлик”, “шериклик” каби тушунчаларни муқобил шакллари кўп қўлланилаётганлиги, мазкур атаманинг ҳақиқий мазмунини очиб бериш ва илмий жиҳатдан ёритиб беришни тақозо қилади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларда дунё мутафаккирлари томонидан ижтимоий ҳамкорлик тушунчаси кўп бора илмий таҳлил қилинган.

Ижтимоий ҳамкорликка оид сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тарихий-типологик ёндашув асосида қуйидаги гуруҳларга бўлинади: *биринчи гуруҳ* – қадимги давр мутафаккирлари, *иккинчи гуруҳ* – Ўрта осий мутафаккирлари, *учинчи гуруҳ* – янги давр Ғарб ва Россия олимлари, *тўртинчи гуруҳ* – Замонавий Ўзбекистон ҳуқуқшунос олимларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

*Қадимги давр мутафаккирларининг ҳамкорликка оид сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.* Милоддан аввалги 4-асрда яшаган қадимги юнон файласуфи-софисти, Ликофрон давлатни одамларнинг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишуви натижаси сифатида таърифлаган. Унинг талқинига кўра, қонун ҳам шунчаки келишув-шартнома бўлиб, у «шахсий ҳуқуқларнинг оддий кафолатидир» деб таъкидлаган<sup>1</sup>.

Ижтимоий ҳамкорлик – жамият тараққиётининг узоқ муддатли эволюцияси натижасидир. Мазкур ғоянинг шаклланишига оид дастлабки қарашлар Платон ва Аристотель каби олимларнинг асарларида учрайди. Аристотель юқори табақалар ўз вазифаларини юксак даражада юритишлари учун уларнинг ҳаёти бирдамлик, тенглик, уюшқоқлик ва жамоа асосида ташкил этилиши керак. Улар худди жанговар юришлардагидек бирга яшашлари ва овқатланишлари лозим<sup>2</sup>.

Цицерон давлатни халқнинг умумий иши сифатида баҳолайди У «халқ одамларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки манфаатлар умумийлиги ва ҳуқуқ масаласида ўзаро келишувга эришган кўпчиликнинг йиғиндисидир», – дея тарифлайди. Шу тарзда давлат, Қадимги Юнонистонда шаклланган

<sup>1</sup> Ф. А. Мухитдинова. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т. ДЮИ нашриёти, 2011. – 53-б.

<sup>2</sup> Ушба ерда. 57-б.



ITALY

# SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

назарияларида кўзда тутилганидек, фақат ўзининг озод аъзоларининг умумий манфаатлари ифодасигина бўлиб қолмай, айти чоғда бу аъзоларнинг келишилган ҳуқуқий муносабатлари, маълум бир ҳуқуқий тузилма, умумий ҳуқуқ-тартибот сифатида намоён булади<sup>3</sup>.

Француз олими Леон Дюги бирдамлик тўғрисида қуйидагиларни айтади: «Бирдамликда мен фақат, одамзот аъзоларини, хусусан, бир ижтимоий гуруҳ вакилларини, уларни эҳтиёжлари ва меҳнат тақсимотига боис бир-бирлари билан ўзаро бирлаштирувчи боғлиқликни кўраман<sup>4</sup>.

Э.Дюркгеймнинг «Ижтимоий меҳнат тақсимоти» асарида ифодалангандек, умумий эҳтиёжларни қондириш жараёнида муайян гуруҳ вакилларининг ҳар бирига тўғри келадиган фаолиятнинг турли хил қисмларининг боғлиқлиги ҳисобланади<sup>5</sup>.

Гегельнинг фикрича, «Фуқаролик жамиятида ҳар бир одам ўз-ўзи учун қўйган мақсад билан ҳаракат қилади, бошқа ҳамма унинг учун ҳеч нарсага арзимайди. Бироқ бошқалар билан ўзаро алоқаларсиз у ўз мақсадларига тўла ҳажмда эриша олмайди»<sup>6</sup>.

*Ўрта осие мутаффакирларининг ижтимоий ҳамкорликка оид сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.* Абу Наср Форобийнинг фикрича, фуқаролар ва шаҳар-давлат маҳкамаларининг ўзаро ёрдам ва ҳамкорликда яшашлари барча муваффақиятларнинг бош омилдир. Давлатни бошқариш ҳам инсон танасида кечирувчи жараёнларини эслатади. Тананинг барча аъзолари бир-бири билан маҳкам боғланганлиги сингари барча одамлар бир-бирлари ҳамда давлат билан мана шундай маҳкам боғланган.

“Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар - фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси - фазилатли жамоадир. Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ - фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади<sup>7</sup>.

Абу Али Ибн Синонинг “Уй хўжалиги тўғрисида”ги трактатида “инсонлар жамоа бўлиб яшашлари учун ўзаро мулоқотда, турли муносабатда бўлишлари, бир-бирларини эҳтиёжларини қондириш учун

<sup>3</sup> Ўша ерда. 71-б.

<sup>4</sup> Дюги Л. Трактат о конституционном праве. –М., 1996.; Дюги Л. Конституционное право. Общая теория государства: Пер. с фр. –М.: Тип.т-ва И.Д.Сытина, 1908. –С.957.

<sup>5</sup> Дюркгейм Э. О разделении общественного труда / Пер. с фр. А.Б. Гофмана, примечания В.В. Сапова. — М.: Канон, 1996. — 432 с.

<sup>6</sup> Кант Г. Гегель Г. Философия права. –М., «Мысль», 1990. – С. 43

<sup>7</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент, “Янги аср авлоди” – 2016 – Б.288.



хизмат қилишлари ва умумий интилиш, мақсадга эга бўлишлари лозим”лиги ҳақида фикри билан ривожлантирилди<sup>8</sup>. Мутафаккир, бунга қўшимча тарзда, жамиятда инсонлар ўзаро ёрдам асосида яшашлари керак, деб алоҳида таъкидлайди.

Абу Райхон Беруний фикрича эса, инсон ўз эҳтиёжларини тушуниб, ўзига ўхшаш кишилар билан бирга жамоа бўлиб яшашнинг зарурлигини англай бошлаши ўзига хос келишувчанлик шартномасига оид муносабатларнинг келиб чиқишига, шунингдек, маҳалла тушунчасининг пайдо бўлишига асос яратди<sup>9</sup>.

Табиийки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида инсонларнинг, фуқаролар бирлашмаларининг, турли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигисиз ижобий натижага эришиш мушкул. Бундай ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг кучайишига, айниқса бугунги глобаллашув ва модернизация жараёнлари катта таъсир қилмоқда<sup>10</sup>.

*Янги давр рус олимларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.* “ҳамкорлик” тушунчаси турли фанлар кесимида талқин қилинган. Жумладан, С.И.Ожегов “ўзаро ҳамкорлик”ни ўзаро ёрдам ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик сифатида изоҳлайди<sup>11</sup>. Д.Н.Ушаков эса мазкур тушунчани ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро таъсири ва келишуви сифатида таърифлайди<sup>12</sup>.

Социологик ёндашувга кўра, К.С.Геворкян ҳамкорликни субъектларнинг биргаликдаги ҳаракати сифатида баҳолайди<sup>13</sup>. Шунингдек, Г.В.Осипов ижтимоий ҳамкорликни турли мақом ва функцияга эга шахсларнинг жамият манфаати йўлидаги фаолияти сифатида изоҳлайди<sup>14</sup>. С.В.Путимцев эса уни ахборот, қадрият ва тажриба алмашишга асосланган ўзаро боғлиқ ҳаракатлар жараёни сифатида талқин қилади<sup>15</sup>.

<sup>8</sup> Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. –Т: Ўзбекистон, 1995. Б.67.

<sup>9</sup> Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар) // Масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев/ – Т.: А.Қодирий номидаги халқаро мерос нашр., 1999. Б.97.

<sup>10</sup> Б.И.Латипов. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш. юрид.фанл.номз.дисс. –Т., 2019. – 18-б.

<sup>11</sup> С.И.Ожегов. Толковый словарь русского языка. М.: Русский язык. 1989 й. 169 б.

<sup>12</sup> Д.Н.Ушаков. Толковый словарь современного русского языка. М.: Аделант, 2014. - 800 б.

<sup>13</sup> Геворкян К.С. Некоторые вопросы взаимодействия ОВД // Органы внутренних дел как часть системы исполнительной власти, осуществляющей борьбу с преступностью. –М., 1996. – С. 68-69.

<sup>14</sup> Осипов Г.В. Введение в социологическую науку. М., 2010. 332 с.

<sup>15</sup> С.В. Путимцев. Понятие и сущность социального взаимодействия // Стратегии развития социальных общностей, институтов и территорий : материалы IV Международной научно-практической конференции, Екатеринбург, 23-24 апреля 2018 г. : в 2-х т. — Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2018. — Т. 1. — С. 50-55.



ITALY

# SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

Умуман, ижтимоий ҳамкорлик тушунчаси турли илмий ёндашувлар асосида изоҳланиб, ҳозирги вақтга қадар унинг ягона тўхтамли таърифи шаклланмаган.

Мазкур ёндашувлар ҳамкорлик тушунчасининг мазмунини тизимли ва кўп қиррали равишда очиб беради. Хусусан, С.В.Мурашов ва Г.Г.Зуйков томонидан илгари сурилган белгилари ҳамкорликни мустақил ижтимоий-ҳуқуқий категория сифатида тавсифлаш имконини беради<sup>16</sup>. Уларнинг фикрича, ҳамкорликнинг асосий белгиси – бу субъектлар фаолиятининг келишилганлиги бўлиб, айнан шу жиҳат турли иштирокчиларни ягона мақсад сари йўналтирилган тизимга бирлаштиради. Шу билан бирга, кўпсубъектлик, саъй-ҳаракатларнинг бирлиги ва мақсадлар умумийлиги ҳамкорликнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи муҳим омиллар сифатида намоён бўлади.

Бундан ташқари, ҳамкорликнинг ташаббусга асосланиши, субъектлар тенглиги ва мустақиллиги, шунингдек муносабатларнинг қонунийлик доирасида амалга оширилиши унинг ҳуқуқий табиатини ифодалайди. Мазкур белгилар ҳамкорликни оддий алоқа ёки муносабатдан фарқлаб, уни мақсадга йўналтирилган, тартибга солинган ва ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятли жараён сифатида тавсифлайди.

П.Сорокин томонидан таклиф этилган тасниф эса ижтимоий ҳамкорликни илмий жиҳатдан чуқурроқ англаш имконини беради. Унинг ёндашуви ҳамкорликни турли мезонлар – иштирокчилар сони, муносабатлар табиати, давомийлиги, ташкил этилганлик даражаси, онглик хусусияти ва алмашинув шакллари асосида таҳлил қилишни назарда тутди. Бу тасниф ҳамкорлик жараёнининг динамик ва кўп ўлчовли эканлигини кўрсатади<sup>17</sup>.

Умуман олганда, келтирилган назарий ёндашувлар ҳамкорликни нафақат ижтимоий, балки ҳуқуқий жиҳатдан ҳам муҳим категория сифатида баҳолаш имконини беради. Улар асосида ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни таҳлил қилишда унинг ташкилий, функционал ва ҳуқуқий механизмларини комплекс ўрганиш зарурлиги намоён бўлади.

*Янги давр ўзбек олимларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. Ўзбек олимларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида ижтимоий ҳамкорлик*

<sup>16</sup> Мурашов С.В., Зуйков Г.Г. Научная организация управления и труда в следственном аппарате органов внутренних дел: Учеб. пособие. — М.: Академия МВД СССР, 1974, С. 57.

<sup>17</sup> Сорокин П.А. Социальная и культурная динамика: Исследование изменений в больших системах искусства, истины, этики, права и общественных отношений. Санкт-Петербург: Изд-во «РХГИ», 2000. 156/с.



масаласи муҳим илмий категория сифатида талқин этилади. Жумладан, ҳуқуқшунос Ш. Якубов ҳамкорликни инсоният тараққиётининг табиий ва зарурий омили сифатида баҳолаб, у орқали жамиятда барқарорлик ва фаровонликка эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳамкорлик инсоннинг биргаликда яшаш ва фаолият юритиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда шаклланган бўлиб, бугунги кунда барча ижтимоий муносабатларнинг асосий тамойилига айланган.

Замонавий шароитда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик масаласи алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳамкорлик ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ва сифатли амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу институтлар ўртасидаги муносабатлар юридик фан доирасида илмий баҳс ва таҳлил объекти сифатида қаралиб келинмоқда.


К.К.Кучимовнинг таърифига кўра, ички ишлар органларининг ҳамкорлиги – бу қонунчиликка асосланган ҳолда, вазифа, вақт ва фаолият йўналишлари бўйича келишилган тарзда амалга ошириладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг куч ва воситаларидан самарали фойдаланиш жараёнидир<sup>18</sup>.

Б.И.Латипов эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни умумий мақсадларга эришишга қаратилган, норматив-ҳуқуқий асосда амалга ошириладиган ўзаро мувофиқлаштирилган фаолият сифатида изоҳлайди. Унинг таъкидлашича, бундай ҳамкорлик давлат ва маҳаллий дастурларни самарали амалга ошириш, шунингдек фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга<sup>19</sup>.

Ички ишлар органлари фаолиятида ҳамкорлик бошқарувнинг асосий шаклларида бири бўлиб, унинг самарадорлиги, аввало, фаолиятни ўзаро келишилган ҳолда ташкил этишга боғлиқ. Бунда ҳамкорликнинг асосий белгиларидан бири – кўпсубъектlilik, яъни камида икки ёки ундан ортиқ субъектларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракати ҳисобланади. Шунингдек, ҳамкорлик умумий мақсад ва вазифаларнинг мавжудлиги, куч

<sup>18</sup> К.К.Кучимов. Ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳамкорлигини бошқариш ва ташкил этиш //Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS), №4, 2022, 237-6.

<sup>19</sup> Б.И.Латипов. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш. Юрид.фанл.номз.дисс. –Т., 2019. – 26-б.





ITALY

# SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

ва воситаларни бирлаштириш ҳамда фаолиятни олдиндан режалаштиришни тақозо этади. Демак, мазкур жараён тасодифий эмас, балки тизимли ва мақсадли ташкил этилган фаолият сифатида намоён бўлади<sup>20</sup>.

Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги муайян ҳудудда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қаратилган ўзаро мувофиқлаштирилган тадбирлар мажмуаси сифатида тавсифланади. Бундай ҳамкорлик фуқаролар ишончини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга<sup>21</sup>.

Шунингдек, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик – бу тегишли субъектларнинг қонунчиликка мувофиқ равишда, ўзаро келишилган ҳолда фаолият юритиши, шакл ва усуллардан самарали фойдаланиши ҳамда бир-бирига бўйсунмаган иштирокчилар ҳаракатларини мувофиқлаштириш орқали умумий натижага эришишини англатади<sup>22</sup>.

Профессор И.Исмаилов ўз тадқиқотларида жиноятчиликка қарши кураш тизимидаги ҳамкорликни шартли равишда тўртта йўналишга: а) ички идоравий ҳамкорлик; б) идоралараро ҳамкорлик; в) жамоатчилик билан ҳамкорлик; г) ҳалқаро ҳамкорликка ажратади<sup>23</sup>. Мазкур тасниф ҳамкорликнинг кўп қиррали ва тизимли хусусиятга эга эканлигини, шунингдек унинг турли даража ва субъектлар кесимида амалга оширилишини илмий жиҳатдан асослаб беради.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда марказий ўрин тутувчи ички ишлар органларининг фуқаролик жамиятининг энг оммавий институти ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги ҳозирги кунда алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Бироқ мазкур ҳамкорликнинг назарий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари

<sup>20</sup> Камишников А.П. Основы управления в правоохранительных органах. –И., - С. 27.

<sup>21</sup> Ш.Т.Икрамов, М.З.Зиядуллаев. Милиция таянч пунктлари негизда ҳамкорликни ташкил этиш ва бошқариш: Ўқув-амалий кўлланма. –Т., 2013. – Б.8-9.

<sup>22</sup> Пулатов Ю.С., Исмаилов И., Курбанов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Дарслик. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2005. – Б. 104.

<sup>23</sup> Исмаилов, М.З.Зиядуллаев. Ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолияти ва ҳамкорликни ташкил этиш: Ўқув-амалий кўлланма. – Тошкент.: ИИВ Академияси, 2017. – 254та.



ITALY

# SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

етарлича комплекс тадқиқ этилмаганлиги уни илмий ўрганиш заруриятини янада кучайтиради.

Мазкур муаммони ҳал этиш, энг аввало, ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик тушунчаси, унинг мазмуни ва шакллари, шунингдек мавжуд илмий ёндашувларни тизимли таҳлил қилишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, ҳамкорликнинг назарий асосларини аниқлаштиришда унинг объекти ва субъекти ўртасидаги фарқни белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Илмий ёндашувга кўра, *ҳамкорлик объекти* — муайян ҳудуд ва вақт доирасида ҳамкорлик субъектлари таъсирига тушадиган ҳамда ижтимоий муносабатларни ривожлантириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган муносабатлар мажмуасидир. *Ҳамкорлик предмети* эса — қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида субъектлар томонидан ўзаро келишилган ҳолда амалга ошириладиган чора-тадбирлар жараёнида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Шунингдек, ҳамкорликнинг самарадорлиги уни амалга ошириш шартларига ҳам боғлиқ бўлиб, улар муайян қоидалар ва ташкилий шароитлар орқали намоён бўлади. Хусусан, ҳамкорлик учун камида икки субъектнинг мавжудлиги, уларнинг вазифаларни ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда бажаришга тайёрлиги ҳамда умумий мақсад ва вазифаларнинг мавжудлиги муҳим шартлардан ҳисобланади. Ҳар бир субъект ўз функционал ваколатлари доирасида мустақил ҳаракат қилса-да, уларнинг фаолияти умумий стратегик мақсадларга эришишга йўналтирилган бўлади.

Бундан ташқари, ҳамкорлик жараёнида субъектлар ўзаро муносабатлари орқали бир-бирининг имкониятларини тўлдириб боради ва бу орқали белгиланган мақсадларга самаралироқ эришиш таъминланади. Айти пайтда, уларнинг барчаси ягона ижтимоий тизимнинг таркибий қисми сифатида фаолият юритади ва ўзаро мувофиқлашган ҳаракатлар орқали умумий натижага эришади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, ижтимоий ҳамкорлик тушунчаси сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ривожига жараёнида шаклланган мураккаб ва кўп қиррали илмий категория бўлиб, у жамият тараққиётининг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Турли давр мутафаккирлари ва замонавий олимлар қарашлари таҳлили шуни кўрсатадики, ҳамкорликнинг мазмун-моҳияти субъектлар ўртасидаги





ўзаро боғлиқлик, мақсадлар умумийлиги ва келишилган фаолият орқали ифодаланади.

Ички ишлар органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик эса мазкур умумий назарий қоидаларнинг амалий ифодаси сифатида қаралади. Ушбу ҳамкорлик жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу билан бирга, у давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарадорлигини таъминловчи муҳим механизм ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра, мазкур ҳамкорликнинг самарадорлиги унинг ҳуқуқий асослари, ташкилий механизмлари ва субъектлар фаолиятининг ўзаро мувофиқлашганлигига бевосита боғлиқ. Хусусан, ҳамкорликнинг объекти, предмети ва шартларини аниқ белгилаш, шунингдек, унинг кўпсубъектли ва тизимли хусусиятини инобатга олиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳимдир.

Шунингдек, таҳлиллар ушбу соҳада комплекс ёндашувнинг етишмаслиги мавжудлигини кўрсатади. Бу эса ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқур илмий ўрганиш, унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва амалий механизмларини ривожлантириш зарурлигини тақозо этади.

Умуман олганда, ҳамкорликни тизимли, ҳуқуқий ва функционал жиҳатдан такомиллаштириш орқали жамиятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг давлат институтларига бўлган ишончини ошириш ва барқарор ижтимоий ривожланишни таъминлаш мумкин.

